# ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 4 (276)

## Ҳар бир иш жойида юксак меҳнат интизомига эришайлик

БУГУНГИ кунда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш ҳақидаги масала айниқса, актуалдир. Бу — шу куннинг қатъий талаби бўлиб, уни совет кишилари ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатиш соҳасида, ижтимоий ҳаёт ва турмушда, ҳар бир меҳнат ячейкасида, ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда тартиб бўлишини ҳам қўшиб, кенг маънода тушунадилар.

Бинобарин, биз мамлакатда ана шундай тартиб мустаҳкамланиши учун бутун кучимизни сарфлаймиз.

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида қилган докладидан).

◆ ЯНГИЙЎЛ ПОЙАБЗАЛ фабрикаси коллективи бу йил 20 миллион сўмлик болалар оёқ кийимларини ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишини таъминлашда корхона назоратчилари алоҳида қайғуришяпти. Суратда: 1-цех халқ контроли группаси аъзолари (чапдан) Х. Юсупова, А. Хайяли, Г. Якушкиналар пойабзалларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

В. Сироткин фотоси.



## ИШ ВАҚТИ — ИШГА

Йилнинг баракали хирмони кўкламдаги дала ишларининг ўз вақтида ўтказилиши, сифатига бевосита боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум.

Белгиланган барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун эса иш вақтининг қадрига етиш, баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш керак. Шунинг учун группамиз халқ назоратчилари иш вақтидан фойдаланишни мунтазам текшириб бораётирлар.

Дастлабки рейдларимиздан бири колхоз машина-трактор паркида ўтказилди. Биз бу ерда бўлганимизда тракторларга ёнилғи бериш графикдан ярим соат кеч бошланганлигининг гувоҳи бўлдик. Унинг устига механизаторлар Х. Жалолов ва Ш. Ашуровлар ишга кеч чиқишибди.

Баҳорги дала ишларини жадал суръатларда олиб боришда техникадан унумли фойдаланишнинг аҳамиятини ҳамма яхши билади. Бироқ, колхоз бош инженери Р. Шерматов, механик А. Ёқубов ва гараж мудири Н. Алметовлар машина-трактор паркида мустаҳкам интизом бўлишига етарлича эътибор бермаганлар. Бу ерда ўтказилган рейд натижаларини муҳокама қилиш пайтида улар жиддий огоҳлантирилдилар ва ишдаги камчиликларини қисқа вақт ичида туғаллаш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги пайтда ана шундай рейдлар далачилик бригадалари, сут-товар фермаси ва бошқа ишлаб чиқариш участкаларида мунтазам ўтказиб турилибди. Жумладан, биз колхоз қурилиш бригадасидаги меҳнат интизомининг аҳволи билан ҳам танишдик. Рейд ўтказган кунимизда уч қурувчининг ишга кечикиб келганлиги, икки кишининг эса иш вақти тугамасдан кетиб қолганлиги маълум бўлди. Текшириш натижалари муҳокама этилган йиғилишимизда қурилиш бригадасининг бошлиғи С. Ҳасанов қаттиқ огоҳлантирилди. Ҳозирги вақтда бригадада меҳнат интизомига риоя этилиши назоратчилар пости томонидан текшириб турилибди.

Умуман хўжалигимизда ана шундай олтита назоратчилар пости ва 5 та тармоқ группаси иш олиб боряпти. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳар хил хўжасизлик ҳолига қарши курашда халқ назоратчиларимиздан Ш. Шерматов, Р. Галламова, П. Рихсиев, М. Анварова ва

### ГРУППА НАЗОРАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

бошқалар айниқса жонкуярлик қилмоқдалар.

Халқ назоратчиларининг меҳнат коллективлари билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда группамизга колхоз парник хўжалигида тушлик тайёрлаш учун сабзавот маҳсулотлари солинадиган яшчиклар ёқилаётганлиги ҳақида сигнал тушди. Назоратчилар тезда текшириш ўтказдилар, сигнал тасдиқланди. Хўжасизликка йўл қўйганликлари учун парник хўжалигининг бригада бошлиғи, ҳисобчиси ва ошпазига пул начёти солинди.

Бошқа бир гал эса бизга колхоз сут-товар фермасида ем-хашакдан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини маълум қилишди. Халқ назоратчиларимиз бу ерда ҳам рейд ўтказдилар. Текширишлар фермада рационга тўлиқ риоя этилмаётганлиги, айни пайтда соғувчилар ва молбоқарлар ўртасида меҳнат интизоми бирмунча бўшаштириб юборилганини кўрсатди. Рейд натижаси колхоз правлениеси ва партия комитетининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Чорва қишловини ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар учун сут-товар фермасининг мудири И. Исроилов жазоланди. Сут соғувчилар ва молбоқарларнинг ишга ўз вақтида келишларини таъминлаш, озуқа тарқатишда рационга қатъий амал этиш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

Кўрилган чоралар ишда бурилиш ясаш имконини берди. Ҳозирги кунга келиб фермада кунлик сут соғиб олиш ўтган йилдагига қараганда ўртача 100—150 литрга кўпаймоқда. Текширишлари яхши самара бераётганлигидан мамнун бўлган халқ назоратчилари ҳар бир иш жойида қатъий тартиб ва интизом бўлиши, иқтисодий тежамкорликка риоя этилиши учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Шу йил биринчи кварталининг ўзида назоратчиларимиз беш марта группа бўлиб рейд уюштирдилар. Уларнинг кўпчилиги иш вақтидан қандай фойдаланилаётганлигини текширишга бағишланди.

КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдирган колхозимиз деҳқонлари ва чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида юксак марраларни кўзламоқдалар. Қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришни таъминлашга кўмаклашиш халқ назоратчиларимиз олдида турган энг муҳим вазифадир. Биз бундан буён ҳам рейд ва текширишларимизнинг таъсирчан бўлиши учун курашаверамиз.

**С. АЖИБОЕВ,**
**Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## «УЯТ ЭМАСМИ?»

**ЮҚОРИДАГИ сарлавҳа остида эълон қилинган («Тошкент ҳақиқати», 27 март 1985 йил) мақолада областимизнинг автомобиль йўлларида кайф ҳолда шахсий машинасини бошқарган ҳайдовчилар маълум қилинган эди. Улар орасида Ўрта Чирчиқ районидаги 15-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори С. Чуратаев ҳам тилга олинган.**

**Тошкент область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи О. Мусаевнинг редакцияга юборган хатида айтилишича, мақола директорлар кенгашида, 15-ҳунар-техника билим юрти инженер-педагогик коллективининг йиғилишида муҳокама қилинган. Областдаги ҳунар-техника билим юртлари раҳбарлари, инженер-педагогик ходимлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, шахсий масъулиятини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди.**

**С. Чуратаев ўз хатти-ҳаракатидан пушаймон бўлгани, тегишли хулоса чиқариб олишга ваъда бергани эътиборга олиниб, унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.**

**Ҳозир билим юртида ҳужжатлар ревизияси олиб борилмоқда. С. Чуратаевнинг директор лавозимида қолиш-қолмаслиги ревизия якунларидан сўнг ҳал қилинади.**

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

## ВАГОНЛАРНИ УШЛАБ ТУРГАНЛАРИ УЧУН

Эйвали махсус темир-бетон комбинатида юк тушириш пайтида вагонларнинг ортиқча туриб қолиши одат тусига кирган. Масалан, фақат шу йилнинг январь—февраль ойиларида ҳар бир вагоннинг юк тушириш пайтида ортиқча туриб қолиши нормадагидан қарийб беш баробар кўп бўлди. Бунинг оқибатида 446 та вагондан фойдаланиш имконияти бой берилди. Комбинат вагонларни ортиқча ушлаб турганлиги учун 30 минг 179 сўм жарима тўлади.

Бу ердаги темир йўллар қониқарсиз аҳволда, излар қум, шағал билан кўмиб юборилган. Бу ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни қийинлаштирмоқда.

«Водиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош заводида ҳам вагонлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Йилнинг дастлабки икки ойида бу ерда юк тушириш пайтида 52 та вагон нормада белгиланганидан ортиқча вақт ушлаб турилди. Бунинг учун завод 2490 сўм жарима тўлади. Вагонларнинг ортиқча туриб қолиши цементни туширувчи пневматик мосламанинг тез-тез ишдан чиқиши туфайли ҳам рўй бермоқда.

Тошкентдаги бинокорлик материаллари етказиб берувчи корхонада эса юк тушириш пайтида вагонларни ортиқча ушлаб туришда ўзига хос «рекорд» қўйилди. Корхонада йилнинг дастлабки икки ойида ҳар бир вагон юк тушириш пайтида нормадаги ўртача 2,3 соат ўрнига 13 соат туриб қолди. Бунинг учун 4496 сўм жарима тўлашга тўғри келди.

«Узсельстройиндустрия» трестининг қурилиш конструкциялари комбинатида юк туширувчи ишчиларнинг меҳнати жуда ёмон ташкил этилган, бу ишларни механизациялашга эътибор берилмаяпти. Бу ҳар бир вагоннинг нормада белгиланган 2,7 соат ўрнига бундан тўрт баравар кўп туриб қолишига олиб келмоқда.

Темир йўл вагонларидан фойдаланиш масаласини кўриб чиққан область халқ контроли комитети бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари учун Эйвали махсус темир-бетон комбинати директорининг ўринбосари Т. Ботиров, «Водиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. Халилов, Тошкентдаги бинокорлик материаллари етказиб берувчи корхона директори Б. Мамедов, «Узсельстройиндустрия» тресchallenge ти қурилиш конструкциялари комбинати директорининг ўринбосари Т. Аҳмедовларга бир ойлик маошлари миқдорида пул начёти солди.

## НОБУД БЎЛГАН ЎҒИТЛАР

Халқ назоратчилари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида Бўка районидаги 20 та хўжаликдан фақат 4 тасидагина ўғит сақланадиган типовой омборлар борлиги аниқланди. 9 та колхоз ва совхозда эса 1346 тонна минерал ўғит очиқ майдончаларда сақланган. Бунинг оқибатида 1902 сўмлик ўғит яроқсиз ҳолга келган. Районда биронта химизациялаш пункти ташкил этилмаган. Омборларда махсус тарозилар йўқ. Азот ўғитлари тортилмай қоплаб тақсимланади.

Калинин районидаги хўжаликларда 47 минг 830 сўмлик ўғит нотўғри сақланганлиги аниқланди. Бундан 4726 сўмлиги яроқсиз ҳолга келган. Жумладан, Гагарин номли совхозда 81 тонна турли хил ўғитлар ерга тўкиб қўйилган. Куйбишев номли колхозда 40 тоннадан кўпроқ сульфат аммоний беш йилдан бери фойдаланилмаяпти. У ҳозир яроқсиз ҳолга келган.

Райондаги текшириш ўтказилган 16 та хўжаликдан биронтасида юк ортиш-тушириш механизмлари, тарозилар йўқ. Минерал ўғитларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва тарқатиш учун масъул шахслар тайинланмаган.

Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз бош агрономи К. Ҳамроқуловнинг масъулиятсизлиги натижасида 30 тонна минерал ўғит очиқ майдонда сақланган. Шу сабабли 21 тонна аммиак селитраси ва 6 тонна карбамид яроқсиз ҳолга келган.

Минерал ўғитларнинг нобуд бўлишига йўл қўйган кишилар жазоланди.

## РЕЙДЛАРДА АНИҚЛАНГАЧ...

КЕЙИНГИ пайтларда Карл Маркс номли участкадаги қишлоқ амбулаториясида меҳнат интизомининг қаттиқ бузилганлиги, шунингдек, бош врач Зевида Хусаинованинг бу ишга эътибор бермай келаётганлиги ҳақида бош группага кўплаб шикоят ва сигналлар тушаверди. Шу ойнинг бошларида марказий шифохона халқ контроли группаси раиси Меҳринисо Худойбердиева бошчилигида рейд аъзолари участка амбулаториясида бўлиб, у ердаги аҳволни чуқур ўрганишди. Текширув давомида шикоят ва сигналларда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Амбулатория бош врачи З. Хусаинова ишга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмас экан. Натижада бу ерда интизом умуман бўшашиб кетганлиги маълум бўлди.

Ўтказилган рейд якуни бош группада атрофлича кўриб чиқилиб, меҳнат интизомини бузган амбулаториянинг айрим ходимлари огоҳлантирилди. Бош врач З. Хусаинованинг коллективга раҳбарликни тўғри ташкил этиш ўрнига, аксинча шахсан ўзи меҳнат интизомини қўпол равишда сурункасига бузиб келганлиги учун унинг вазифасида қолиш-қолмаслиги ҳақида таклифимизни марказий касалхона маъмурияти ва партия ташкилотига билдирдик. Ана шу таклифимиз асосида маъмурият ва партия ташкилоти уни вазифасидан озод этиб, оддий врачликка ўтказиб қўйди.

Бугунги кунда амбулаторияда тартиб ўрнатилиб, беморларга намунали хизмат кўрсатиляпти. Эндиликда у ердан шикоят ўрнига кўплаб миннатдорчилик хатлари оляпмиз. Бунда, албатта, назоратчиларимиз ҳиссалари бор.

Районимизнинг 64 мингдан зиёд аҳолисига тўртта поликлиника, 11 та қишлоқ амбулаторияси, 36 та фельдшерлик, акушерлик пунктлари ҳамда 5 та касалхона тиббий ёрдам кўрсатяпти.

Районимиз меҳнаткашларининг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш учун жойларда назоратчиларимиз доим ҳушёр туришиб, актив фаолият кўрсатишяпти.

Район марказий касалхонаси халқ контроли группасининг 34 нафар аъзоси бўлиб, улар бош группа ва 5 та цех халқ контроли группасига бирлашган. Улар барча медицина участкаларида меҳнат қилишиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш маданиятини яхшилашда кўз-қулоқ бўлишяпти.

Маълумки, интизом бор жойда муваффақият бўлади. Назоратчиларимиз эса бунга тўла амал қилишяпти. Жойларда ўтказаётган ҳар бир рейд ва текширувларимизда асосий эътиборни ана шунга қаратяпмиз. Меҳнат интизомини бузувчиларни биринчи бор огоҳлантирамиз. Иккинчи бор такрорласа «халқ контроли экрани»да расмини берамиз, учинчи бор такрорланса мукофотдан ёки иш ҳақининг маълум бир қисмидан маҳрум қилинади.

Шу ойнинг бошларида марказий касалхонада ўтказилган рейд давомида кўпчилик ишга кечикиб келганлиги аниқланди. Биринчи бор кечикканларни қаттиқ огоҳлантирдик. Фельдшер-лаборант Тожибой Ҳасанов, лаборантка Назминисо Баҳромова, кутубхоначи Сербаҳор Абдуқодироваларнинг фотосуратларини «Халқ контроли экрани»га қўйдик.

Жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида Матлабхон Дўстиллаева, Рая Амедова сингари тажрибали назоратчиларимиз қилаётган ишлар диққатга сазовордир.

**М. ВАЛИЕВА,**
**Пискент район марказий касалхонасининг бош ҳамшираси, халқ контроли группасининг аъзоси.**

## КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЯПТИ?

Йўқдан бор қилса бўладими? Бу саволни мактаб ўқувчисига берсангиз сизни «физикадан хабарингиз йўққа ўхшайди», деб қизартириши мумкин. Цирк ихлосмандлари эса чироқлар ёғдусида рўй берадиган мўъжизаларни ёдга олиб, «ҳа, бунинг имконияти бор», деб тасдиқлашлари эҳтимол.

Қани, ҳаётда ҳам цирк майдончасидек бўлса! «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай «орзу» дастлаб кимда пайдо бўлганлигини ҳозир аниқ айтиш қийин. Аммо ўтган йили планнинг бажарилишини цирк оламида энг машҳур кўзбойлоғичлар ёрдамида ҳам таъминлаш мушкуллигини сезган бирлашмадагилар юқори ташкилотлардаги раҳбарларга ёрдам сўраб, илтижо қилишни қўйишмади. «Союзтекстильмаш» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасидаги раҳбарларнинг кўнгли бўш экан шекилли, ҳотамтойлик билан «Узбекхлопкомаш»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салкам учдан бир қисми — 103 тури бўйича давлат планида қатъий қилиб қўйилган топшириқни қисқартириб беришди.

Аммо камайтириш томонига уч марта «тўғирланган» план ҳам «Узбекхлопкомаш» бошлиқларини қаноатлантирмади. Ҳатто бу кемтик планни ҳам бажаришнинг уддасидан чиқиш керак экан. Бунинг устига планни ошириб бажариб, илғорлар қатори мукофотлар ҳам олиш керак-да! Ана шунда бирлашмада циркда номи чиққан кўзбойлоғичларга ҳам панд беришга жазм қилишди.

Кимдир ҳамма буюк ихтиролар жўнгина юзага келади, деб каромат қилган эди. «Узбекхлопкомаш»да ҳам планни бажариш учун ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасидан қўлланиш каби «ортиқча» масалалар билан бошларини қотириб ўтиришмади. Корхонада ҳақиқатда ишлаб чиқарилган машина ёки ускуна битта бўлса, ҳисоботларда уни иккита, ҳатто учта деб кўрсатаверишди. Жумладан, фақатгина ЛП-IС линияси оладиган 27 та истеъмолчидан 9 тасига 58 минг сўмлик маҳсулотни қўшиб ёзишди. Барча маҳсулотлар турлари бўйича эса қўшиб ёзиш миқдори 140,2 минг сўмликни ташкил этди.

Бирлашма бош директорининг ўринбосари Г. И. Нажафов эса кўзбўямачиликнинг янада антиқа усулини «ўйлаб» топди. Корхона истеъмолчиларга тўла комплектланмаган машина-ускуналарни ҳам тайёр маҳсулотдек жўнатаверди. Текширишлар бирлашманинг бош корхонаси — «Ташхлопкомаш» заводи истеъмолчиларга мунтазам равишда ярим-юлуқ машина-ускуналарни жўнатиб турганини кўрсатди. Чунончи, ўтган йилнинг ўзида истеъмолчиларга умумий қиммати 3 миллион 785 минг сўмлик 5 та линия комплектланмаган ҳолда юборилди.

Кўзбўямачиликлари ҳамирдан қил суғургандек сипсиллиқ амалга ошаётганлигини кўрган бирлашмадаги мутасадди ходимларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Улар С ЧООООО-02 машинасини қопламасиз жўнатиб юборишди. Қараб турибсизки, план бажарилишига 1 миллион 256 минг сўм қўшиб ёзиб турилибди. Истеъмолчилардан эса ортиқча 23,4 минг сўмни қуртдек санаб олишди.

Қўшиб ёзишлар бирлашмага давлат банкидан бажарилмаган ишга гўё иш ҳақи тўлаш мақсадида 190,6 минг сўмни олиш имконини берди. Қонунга зид бу кўзбўямачиликлар туфайли корхонада меҳнат унумдорлиги сунъий равишда 4,6 процентга ортиб қолди. Ҳақиқатда эса меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план бажарилмаган эди. Шунга қарамай аслида тўлмаган план «ошириб» бажарилганлиги учун мукофот тариқасида давлатнинг 6574 сўми совурилди.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмасидагилар кўзбойлоғичдаги ўз «тажриба»лари билан ўртоқлашганлармми ёки планни тер тўкмай осонгина бажаришнинг ноқонуний усулларини ўзлари «ихтиро» қилишганми — ҳар ҳолда «Ташхимсельмаш» заводида ҳам қўшиб ёзишни «ўзлаштириб» олишди. 1984 йилда бу ерда қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бериш бўйича 155,6 минг сўмлик, халқ истеъмоли товарлари бўйича 58,6 минг сўмлик маҳсулотлар ҳеч иккиланмай планга қўшиб қўйилди.

Завод раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қўшиб ёзишларни хунук салбий ҳодиса сифатида кескин қоралаган бўлишига, бу қонунбузарликка қарши ўта кескин кураш олиб борилаётганлигига қарамай улар кўзбўямачиликларини ҳамон давом эттирмоқдалар. Корхона раҳбарлари шу йил январь ойининг ўзида кўзни чирт юмиб, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини бажаришга 82,6 минг сўмлик маҳсулотни қўшиб қўйдилар.

Бу ердаги ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши билан танишган киши ёқасини ушлаб қолиши турган гап. Ҳар бир ойнинг бошида цех ва участкаларда бамайлихотирлик ҳукм суради. Ой якунланишига саноқли кунлар қолганда эса бу ердаги штурмчиликни бир кўрсангиз! Заводда сўнгги икки кунда деярли бутун ойлик маҳсулотни топшириш ҳоллари одат тусига кириб қолган. Масалан, ўтган йилнинг 30 ва 31 июлида 413 та ОВХ-28 пуркагичи топширилган. Бу эса ойлик топшириқнинг 96 процентини ташкил этади.

Ана шундай шошма-шошарликда сифатга эътибор бериб бўладими? Давлат стандарт комитети ўтган йили заводда ишлаб чиқарилган 295 та корчовка агрегатини брак қилганлиги бунинг далолатидир.

«Госкомсельхозтехника»нинг қабул қилиб олувчиси В. В. Волков принципиал бўлганда ва масъулиятни ҳис этганда, брак маҳсулотларининг сони бундан анча кўп бўларди. Масалан, у 1984 йил 24 сентябрда 40 та ОВХ-28 машинасини бракка чиқарди. Эртасига эса уларни хўжаликларга жўнатишга рухсат берди. Ўша йил 28 февралда у ана шундай 31 та пуркагични аввал ишга яроқсиз деб топди. Сал ўтмай эса уларга ОТК тамғасини қўйдирди.

Иш шу даражага бориб етдики, В. В. Волков аслида битта бўлган машинани иккита, ҳатто учта, деб расмийлаштирди. Жумладан, 1984 йил 8 октябрдаги 130-актга мувофиқ у 50 та ОВХ-28 пуркагичини қабул қилиб олган. Шундан сўнг бу машиналардан 9 тасини иккинчи, иккитасини эса учинчи марта қабул қилган.

Одатда цирк артистларининг кўзбойлоғичлиги муваффақиятли чиқса томошабинлар уларнинг маҳоратини олқишлашади. «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. П. Тетушкин, «Ташхимсельмаш» заводининг директори В. К. Моксяков ўз корхоналарида ими-жимида бажарилган ҳар бир кўзбўямачиликка қарсак чалиб турганлармми-йўқми — буниси бизга қоронғу.

Лекин бу корхоналардаги қўшиб ёзиш ва бошқа қонунбузарлик ҳолларини кўриб чиққан область халқ контроли комитети ишлаб чиқаришни цирк майдончасига айлантирмоқчи бўлган айрим «кўзбойлоғичлар»нинг қилмишларига тегишли баҳо берди. Тошкент шаҳар партия комитети ва «Союзтекстильмаш» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси бу кўзбўямачиликлардан хабардор қилинди. «Кўзбойлоғичлар»нинг «санъати»га улар ҳам холис ҳукм чиқарадилар, деган умиддамиз.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

## ТАННАРХ НЕГА ҚИММАТ?

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида бир центнер сутнинг таннархи пландаги 28 сўм ўрнига 36 сўм 40 тийинга тўғри келяпти. Бир центнер гўшт етиштириш учун эса 216 сўм ўрнига 387 сўм сарфланмоқда. Чунки хўжаликда етиштирилаётган ем-хашак чорва моллари учун етарли эмас. Молларни боқиш учун колхоз озуқани четдан қимматга сотиб олмоқда. Бу таннархни қимматлаштириб юбормоқда.

Хўжаликда 354 та сигирдан атиги 249 таси соғиляпти. Шу сабабли қишлов даврида (1984 йил 1 октябрдан 1985 йил 13 мартгача) пландаги 354 тонна ўрнига 267 тонна сут соғиб олинган. Бу даврда давлатга сут сотиш плани эса 74 процент бажарилган.

Колхозда қиш даврида сунъий урчитиш пункти иситилмайди. Бу насл олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили колхозда бузоқ олиш плани бажарилмади. Бунинг устига қишлов даврида олинган 159 бош бузоқдан 32 таси мажбуран сўйиб юборилди.

Халқ назоратчилари райондаги бошқа хўжаликларда ҳам чорва қишловини ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқладилар. Масалан, Ленин номли колхозда қишлов даврида сут етиштириш ўтган йилнинг шу пайтига қараганда 53 тоннага, давлатга сут сотиш 81 тоннага, тухум етиштириш 1800 донага камайиб кетган.

«Коммунист» колхозида маҳсулот етиштириш учун ортиқча ем-хашак сарф қилинмоқда. Бунинг оқибатида бир центнер сутнинг таннархи пландаги 26,6 сўм ўрнига 37,4 сўмни ташкил этмоқда. Бир центнер қорамол гўшти етиштириш учун эса 184,4 сўм ўрнига 410,2 сўм сарфланмоқда.

Чорва қишловини ўтказишда йўл қўйган жиддий камчилик ва нуқсонлар учун Ленин номли, «Маданият», «Правда», «Коммунист» колхозларининг раҳбарлари ва чорвачилик бўйича мутахассисларига тегишли чоралар кўрилди.

## БЕШ БАРАВАР КАМАЙДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳар саноат корхоналари ва ташкилотларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича халқ контроли группаси ва «Комсомол прожектори» штаби аъзолари ўтказишган кейинги рейдлар давомида 27 кишининг ишга кечикиб келганлиги аниқланди. Ўша куни «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехининг ишчиси Т. Грекова меҳнат интизомини бузганлиги учун ойлик мукофотининг 25 процентидан маҳрум бўлди. 8-ғишт заводлари бошқармаси смена мастери А. Воҳидовнинг отпуска кунлари беш кунга қисқартирилди, шу заводнинг 4-бўлим бошлиғи Т. Тошматовга эса ҳайфсан берилди. Бошқа интизомсиз ишчиларга ҳам шунга ўхшаш чоралар қўлланилди.

Кўрилаётган тадбирий чоралар шаҳарда интизомбузарлар сонини кескин камайтиришга ёрдам беряпти. Жойларда меҳнат унумдорлиги ортяпти. Ҳар бир ишчи-хизматчи ўз зиммасидаги масъулиятни тўла англаб олаётир.

— Илгарилари барча корхоналарда иш бошланиб кетган бўлишига қарамасдан кўчаларда бамайлихотир келаётган ишчи-хизматчилар кўплаб кўзга ташланарди, — дейди шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари, «Комсомол прожектори» штабининг бошлиғи Ҳамид Қўлдошев. — Энди бундай кишилар кўринмайди. Ойнинг бошларида ишлаб чиқариш корхоналари бўйлаб ўтказилган рейд давомида 142 нафар ишчи меҳнат интизомини бузганлиги аниқланган бўлса, бугунги кунда улар сони қарийб беш бараварга қисқарди.

С. МАТЁҚУБОВ.

